ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Институт ўқув- услубий
Кенгашида муҳокама
этилган ва нашрга тавсия
қилинган, 8-сон баённома
28 март 2007 й.

ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ

О Л И Й М А Т Е М А Т И К А

фанидан 5811700 - сервис (туризм ва мехмонхона хўжалиги), 5811000-сервис техника ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича), 5811600-сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси) йўналишидаги бакалавриатлар учун 3-5 л**аборатория ишларини бажариш бўйича**

У С Л У Б И Й К Ў Р С А Т М А В А Т О П Ш И Р И Қ Л А Р

САМАРҚАНД) 2007

Услубий кўрсатма ва топшириқлар, 5811700 - сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги), 5811000 - сервис техника ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича), 5811600 – сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси) йўналишлари ўқув режасидаги „Олий математика'' фани ишчи-ўқув дастуридаги 3-5 лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган бўлиб, умумий кўрсатмалар, ишнинг мақсади, тегишли назарий қисм ва амалий машқларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар ҳамда лаборатория ишлари топшириқлари берилган.

Тузувчи: Бегматов А. Б. Олий математика кафедраси доценти.

Тақризчилар:

Файзиев С. Р. ф-м.ф.н., доцент, Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти;

Умаров Т. И. тех.ф.н., доцент, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти;

Алиқулов А. И. и.ф.н., доцент, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, ахборотлар технологияси кафедраси мудири.

Услубий кўрсатма ва топшириқлар „Олий математика'' кафедраси мажлисида муҳокама этилган ва нашр этишга тавсия қилинган (5-сон баённома, 17 март, 2007 йил).

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, А.Б. Бегматов. 2007.

Умумий кўрсатмалар

Маълумки, ҳозирги замонда иқтисодга, ишлаб чиқаришга қўйилаётган юксак талабларни бажаришда кадрларнинг умумий малакаси олдинги ўринга қўйилмоқда. Бу юксак талаблар ҳамма, хусусан сервис йўналишидаги мутахассисларга ҳам тегишлидир.

Бундай ҳар томонлама малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда Олий математика фанининг алоҳида ўринга эгалиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак.

Хамма соҳаларда,математик қонуниятларга асосланган замонавий компьютерларнинг муваффақият билан татбиқ этилиши ҳамда унинг кундан-кунга ривожланиб бораётганлиги, ёш мутахассисларнинг тегишли соҳалар масалаларининг математик моделларини туза билиши ва унда ҳисоблаш техникасини қўллай олиши, долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бундай масалаларни моделлаштириш математик амаллар ва усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Олий мактабда ,,Олий математика” фанини ўрганиш жараёни маърузалар, амалий машғулотлар,лаборатория ишлари ва мустақил таълим орқали олиб борилади. Талабалар ўқитувчи томонидан берилган маълумотларнинг маъносини англаб олишга, тушунишга ҳаракат қилади ва ундан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланади.

Математик аппаратни ўрганишда Олий математика фанидан лаборатория ишларини бажариш ҳам катта аҳамиятга эга. Лаборатория ишлари назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур билиш имкониятини яратиш билан биргаликда талабалар фикрлаш қобилиятини ривожлантириб унга фаоллик касб этади.

Лаборатория ишларини бажариш жараёнида талабанинг илмий текшириш малакалари шаклланиб, фанга ижодий ёндашиш кўникмалари ҳосил бўлади.

Шудай қилиб, лаборатория машғулотлари талабанинг ижодий фикрлашини ривожлантириб, фанда изланишга йўналтиради. Бундай натижаларга эришишда, лаборатория ишларини режалаштириш, талабанинг назарий тайёргарлигини ҳамда олинган билимларини чуқурлаштириб ва кенгайтириб эгаллашга илҳомлантирувчи мойилларни яратиш, иш мақсадининг аниқлиги ҳамда талабанинг ишдан оладиган натижасига мустақил эришиш имкониятини ҳосил қилиш талаблари қўйилади. Услубий кўрсатмани тузишда бу талаблар эътиборга олинди.

Маълумки, мутахассис исталган амалий фаолиятида ҳар хил турдаги ҳисоблашларни бажаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам лаборатория ишини бажаришда ҳисоблашларни қўлда ҳамда компьютерда амалга ошириш имконияти яратилди.

Лаборатория ишларини бажаришда, ўқитувчи ва талабалар иштирокида эркин диалог шаклида ўтказиш, муҳокома қилиш билан ишни бажаришга мўлжалланади.

Лаборатория машғулотини ўтказишда гуруҳ талабаларни 3-4 нафардан қилиб, кичик гуруҳларга бўлиб, ишни ташкил қилиш ҳам мумкин. Яъни дарснинг бу турида талабаларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиши ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир талаба ўз улушини қўшиб, ўзаро алмашинув ҳосил этилади. Бу жараёнда дўстона муносабатлар муҳити асосида, ўзаро ҳамкорлик ва биродорлик юқори даражага кўтарилишига имконият яратилади.

Шундай қилиб, лаборатория ишини бажариш, маълум мавзу бўйича якуний босқич бўлибгина қолмасдан,талабаларни тарбиялашда ҳам муҳимдир.

Ишни расмийлаштириш тартиби:

1) назирий қисмнинг қисқача матни конспектлаштирилади;
2) амалий қисм ҳамма ҳисоблашлари қўлда ва компьютерда бажарилади, бу амалий қисмда кўрсатилади;
3) юқоридагилар бажарилгандан кейин лаборатория машғулоти олиб борувчи ўқитувчи томонидан баҳоланади. Ижобий баҳоланган иш кафедрада рўйхатга олинади. Акс ҳолда иш маълум тартибда қайта бажарилади.

3-лаборатория иши.
Мавзу. Аниқ интегрални тақрибий ҳисоблаш. 2 соат.

I. Лаборатория ишининг мақсади. Аниқ интегрални тақрибий ҳисоблашни англаш. Аниқ интегрални тақрибий ҳисоблашда қўлланиладиган трапециялар ҳамда Симпсон формулалари ёрдамида аниқ интегрални тақрибий ҳисоблаш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш.

II. Лаборатория иши жиҳозлари: маъруза ва амалий машғулотлар конспектлари, ,,Олий математика’’ фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ҳисоблаш техникаси (компъютер).

III. Назарий қисм. Ҳисоблаш амалиётида кўпинча бошланғич функциялари элементар бўлмаган, яъни чекли кўринишда ифодалаб бўлмайдиган функциялардан олинган интеграллар билан, шунингдек, жадвал ёки график усулда берилган функциялардан олинган интеграллар билан иш кўришга тўғри келади. Бундай ҳолларда Ньютон - Лейбниц формуласини қўллаб бўлмайди ва интеграл тақрибий усуллар ёрдамида ҳисобланади.

Ҳисоблаш машиналарининг жадал тараққий этиб бориши натижасида аниқ интегралларни ҳисоблашнинг тақрибий усуллари кенг татбиқ қилинмоқда.

Аниқ интегрални тақрибий ҳисоблашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб улардан кўпроқ ишлатиладиганлари трапециялар ва Симпсон усулларидир.

1. *Трапециялар формуласи*.

$$\int_a^b f(x)dx$$

аниқ интегрални ҳисоблаш талаб этилсин. $y = f(x)$ функция $[a,b]$ кесмада узлуксиз бўлсин. $[a,b]$ кесмани $a = x_0 < x_1 < x_2 < .... < x_n = b$ нуқталар орқали n та тенг қисмий кесмаларга ажратамиз, функциянинг x_i нуқталардаги $y_i = f(x_i)$ қийматларини ҳисоблаймиз $(i = \overline{1,n})$. $[x_{i-1}, x_i]$ қисмий кесмаларнинг узунлиги $\frac{(b-a)}{n}$ катталик интеграллаш қадами дейилади. Бўлиниш нуқталаридан $y_0, y_1, y_2, ..., y_n$ ординатларни ўтказамиз. Ординатлар охирларини тўғри чизиқлар билан туташтириб трапециялар ҳосил қиламиз.

Аниқ интегралнинг тақрибий қиймати учун, ҳосил бўлган трапециялар юзларининг йиғиндисини оламиз. Бу ҳолда

$$S = \int_a^b f(x)dx \approx \frac{y_0 + y_1}{2}\cdot\frac{b-a}{n} + \frac{y_1 + y_2}{2}\cdot\frac{b-a}{n} + \frac{y_2 + y_3}{2}\cdot\frac{b-a}{n} + ... + \frac{y_{n-1} + y_n}{2}\cdot\frac{b-a}{n}.$$

Шундай қилиб,

$$\int_a^b f(x)dx \approx \frac{b-a}{n}\cdot\frac{y_0 + y_n}{2} + y_1 + y_2 + y_3 + ...y_{n-1} \qquad (1)$$

бўлади. (1) формулага *трапециялар формуласи* деб аталади. Бу формулада эгри чизиқли трапецияларнинг юзларини тўғри чизиқли трапециялар юзлари билан алмаштирдик. n ўсиб бориши билан тўғри чизиқли трапецияларнинг юзи эгри чизиқли трапециялар юзларига чексиз яқинлашиб боради.

Бу тақрибий ҳисоблашда йўл қўйилган *абсолют хато*,

$$M_2\frac{(b-a)^3}{12n^2}$$

ифодадан катта эмаслигини кўрсатиш мумкин, бунда M_2, $|f''(x)|$ нинг $[a,b]$ кесмадаги энг катта қиймати.

2. *Симпсон формуласи*. $[a,b]$ кесмани $n=2m$ та жуфт сондаги тенг қисмларга ажратамиз. Учта $(x_0,y_0),\ (x_1,y_1),\ (x_2,y_2)$ нуқталар олиб улардан парабола ўтказамиз. Бу парабола билан $y=f(x)$ функциянинг $[x_0,x_2]$ кесмадаги графигини алмаштирамиз. Худди шунга ўхшаш $y=f(x)$ функциянинг графигини $[x_2,x_4]$, $[x_4,x_6]$ ва бошқа кесмаларда ҳам алмаштирамиз.

Шундай қилиб, бу усулда берилган $y=f(x)$ эгри чизиқ билан чегараланган трапециянинг юзини $[x_0,x_2]$, $[x_2,x_4]$, $[x_4,x_6]$,..... кесмаларда параболалар билан чегараланган эгри чизиқли трапециялар юзларининг йиғиндиси билан алмаштирилади. Бундай эгри чизиқли трапеция *параболик трапеция* дейилади. Параболик трапециялар юзларини қўшиб,

$$S=\int_a^b f(x)dx\approx\frac{b-a}{6m}[y_0+y_{2m}+4(y_1+y_3+....+y_{2m-1})+2(y_2+y_4+...+y_{2m-2})] \qquad (2)$$

формулани ҳосил қиламиз. Бу формула *Симпсон (параболалар) формуласи* дейилади. Симпсон формуласининг *абсолют хатоси* $\frac{M_4(b-a)^5}{2880n^4}$ дан катта бўлмайди, бунда M_4, $\left|f^{(5)}(x)\right|$ функциянинг $[a,b]$ кесмадаги энг катта қиймати. Хатоларни баҳолаш ифодаларидан маълумки n^4 катталик n^2 катталикка нисбатан тезроқ ўсгани учун Симпсон формуласининг хатолиги трапециялар формуласи хатосига нисбатан анча тез камаяди.

1-мисол. $\int_0^1 e^{-x^2}dx$ аниқ интеграл трапециялар ва Симпсон формулаларидан фойдаланиб тақрибий ҳисоблансин.

Ечиш. $[0,1]$ кесмани $x_0=0,\ x_1=0.2,\ x_2=0.4,\ x_3=0.6,\ x_4=0.8,\ x_5=1$ нуқталар ёрдамида 5 та тенг бўлакка бўламиз. Кейин $f(x)=e^{-x^2}$ функциянинг шу нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз.

$f(x_0)=f(0)=e^0=1,$ $f(x_1)=f(0.2)\approx 0.96079,$

$f(x_2)=f(0.4)\approx 0.85214,$ $f(x_3)=f(0.6)\approx 0.69768,$

$f(x_4)=f(0.8)\approx 0.52729,$ $f(x_5)=f(2)\approx 0.36788.$

Трапециялар формуласи бўйича

$$\int_0^1 e^{-x^2}dx \approx \frac{1}{5}\left(\frac{1+0.36788}{2}+0.96079+0.85214+0.69769+0.52729\right)\cdot 0.74805.$$

Симпсон формуласи бўйича, ҳисоблаш учун $[0,1]$ кесмани $x_0=0,\ x_1=\frac{1}{4},\ x_2=\frac{1}{2},\ x_3=\frac{3}{4},\ x_4=1$ нуқталар орқали 4 та тенг бўлакларга ажратамиз ва бу нуқталарда функциянинг қийматлари

$$y_0=1,\quad y_1=(0.25)\approx 0.9394,\quad y_2=(0.5)\approx 0.7788,$$

$$y_3=(0.75)\approx 0.5698,\quad y_4=(1)\approx 0.3679$$

бўлади.

Симпсон формуласига асосан:

$$\int_0^1 e^{-x^2}dx \approx \frac{1}{12}\cdot 1+0.3679+4(0.9394+0.5698)+2\cdot 0.7788\approx 0.7469.$$

бўлади.

IV. Амалий қисм.

1-мисол. Ушбу

$$\int_1^5 \frac{1}{x}dx$$

аниқ интегралли [1,5] кесмани $n=10$ та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

Ечиш. [1;5] кесмани 10 та тенг бўлакларга ажратамиз: $h=\frac{b-a}{n}=\frac{5-1}{10}=0,4$ бўлади.Бўлиниш нуқталари

$$x_0=1,\ x_1=1,4,\ x_2=1,8,\ x_3=2,2,\ x_4=2,6,\ x_5=3,0,\ x_6=3,4,\ x_7=3,8,\ x_8=4,2,\ x_9=4,6,\ x_{10}=5,0$$

бўлиб,энди ҳар бир бўлиниш нуқтасида интеграл остидаги функция қийматлари $y_0, y_1, y_2, ..., y_{10}$ ларни ҳисоблаймиз. Масалан, $x_0=1$ бўлганда $y_0=\frac{1}{1}=1,\ x_1=1,4$ бўлганда $y_1=\frac{1}{1,4}=0,7143$ ва ҳ к. Ушбу жадвални тузамиз:

x	$y=\frac{1}{x}$	x	$y=\frac{1}{x}$
1	1	3,4	0,2941
1,4	0,7143	3,8	0,2632
1,8	0,5555	4,2	0,2381

2,2 2,6 3,0	0,4545 0,3846 0,3333	4,6 5,0	0,2174 0,2

Берилган интеграл учун трапециялар формуласи ушбу кўринишда бўлади:

$$\int_1^5 \frac{1}{x}dx \approx \frac{5-1}{10}\left(\frac{y_0+y_{10}}{2}+y_1+y_2+y_3+\ldots+y_9\right).$$

Охирги формулага жадвалдаги ҳисобланган қийматларни қўйиб, қуйидагини оламиз:

$$\int_1^5 \frac{1}{x}dx \approx$$

$$\approx 0{,}4\left(\frac{1{,}2}{2}+0{,}7143+0{,}5555+0{,}4545+0{,}3846+0{,}3333+0{,}2941+0{,}2632+0{,}2381+0{,}2174\right)\approx$$

$$\approx 0{,}4\cdot 4{,}055\approx 1{,}6220.$$

Берилган интеграл учун Симпсон формуласига, интеграл остидаги функциянинг бўлиниш нуқталаридаги ҳисобланган қийматларини қўйиб ушбу натижани оламиз:

$$\int_1^5 \frac{1}{x}dx \approx \frac{5-1}{3\cdot 10}\left(y_0+y_{10}+4\left(y_1+y_3+\ldots+y_9\right)+2\left(y_2+y_4+\ldots+y_8\right)\right)=$$

$$=0{,}1333\left(1{,}2+4\cdot 1{,}9827+2\cdot 1{,}4723\right)+0{,}1333\left(1{,}2+7{,}9308+2{,}9446\right)+0{,}1333\cdot 12{,}0754\approx 1{,}6096.$$

3-лаборатория иши учун вариантлар ва топшириқлар.

1. $\int_0^2 \frac{\ln(3+x)}{1+x}dx$ ни [0,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

2. $\int_0^3 \frac{\ln(4+x)}{1+x}dx$ ни [0,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

3. $\int_0^5 \frac{\ln(5+x)}{1+x}dx$ ни [0,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

4. $\int_1^3 \frac{\ln(3+x)}{x}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

5. $\int_1^4 \frac{1}{x}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

6. $\int_1^{10} \frac{1}{8x-7}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

7. $\int_1^6 \frac{1}{x}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

8. $\int_1^7 \frac{1}{x}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

9. $\int_1^8 \frac{1}{x}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

10. $\int_1^9 \frac{1}{x}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

11. $\int_0^1 \sqrt{1-x^3}dx$ ни [0,1] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

12. $\int_0^1 \sqrt{1-x^2}dx$ интегрални [0,1] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

13. $\int_1^3 \frac{1}{2x-1}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалаи ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

14. $\int_1^4 \frac{1}{2x-1}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

15. $\int_1^5 \frac{1}{2x-1}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

16. $\int_1^6 \frac{1}{2x-1}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

17. $\int_1^7 \frac{1}{2x\,\mathrm{Z}1}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

18. $\int_1^8 \frac{1}{2x\,\mathrm{Z}1}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

19. $\frac{®}{4}\int_0^1 \frac{1}{1\Gamma x^2}dx$ ни [0,1] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

20. $\int_1^2 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}1}dx$ ни [1,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

21. $\int_1^3 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}1}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

22. $\int_1^3 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

23. $\int_1^4 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

24. $\int_1^5 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

25. $\int_1^6 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

26. $\int_1^7 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

27. $\int_1^8 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

28. $\int_1^9 \frac{1}{3x\,\mathrm{Z}2}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

29. $\int_1^4 \frac{1}{4x\,\mathrm{Z}3}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб,

трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

30. $\int_1^5 \frac{1}{4x+3}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

31. $\int_1^6 \frac{1}{4x+3}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

32. $\int_1^7 \frac{1}{4x+3}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

33. $\int_1^8 \frac{1}{4x+3}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

34. $\int_1^9 \frac{1}{4x+3}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

35. $\int_1^2 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

36. $\int_1^3 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

37. $\int_1^4 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

38. $\int_1^5 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

39. $\int_1^6 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

40. $\int_1^7 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

41. $\int_1^8 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

42. $\int_1^9 \frac{1}{5x+4}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

43. $\int_1^2 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

44. $\int_1^3 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

45. $\int_1^4 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

46. $\int_1^5 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

47. $\int_1^6 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

48. $\int_1^7 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

49. $\int_1^8 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

50. $\int_1^9 \frac{1}{6x+5}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

51. $\int_1^2 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

52. $\int_1^3 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

53. $\int_1^4 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

54. $\int_1^5 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,5] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб,

трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

55. $\int_1^6 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

56. $\int_1^7 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

57. $\int_1^8 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

58. $\int_1^9 \frac{1}{7x+6}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

59. $\int_1^2 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,2] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

60. $\int_1^3 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,3] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

61. $\int_1^4 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,4] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

62. $\int_1^6 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,6] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

63. $\int_1^7 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,7] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

64. $\int_1^8 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,8] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

65. $\int_1^9 \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,9] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

66. $\int_1^{10} \frac{1}{8x+7}dx$ ни [1,10] кесмани n=10 та тенг бўлакларга ажратиб, трапециялар ва Симпсон формулалари ёрдамида тақрибий ҳисобланг.

4-лаборатория иши.

Мавзу. Икки ўзгарувчили функция экстремумига оид масалалар. **4** соат

I. Лаборатория ишининг мақсади. Икки ўзгарувчили фукнциялар ҳақида асосий тушунчаларни ҳамда икки ўзгарувчили функция экстремумининг зарурий ва етарли шартларини англаш. Экстремумга оид ҳамда энг катта ва энг кичик қийматни топиш масалаларини ечиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш.

II. Лаборатория иши жиҳозлари: маъруза ва амалий машғулотлар конспектлари, ,,Олий математика'' фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ҳисоблаш техникаси(компъютер).

III. Назарий қисм. Назарий қисм саволлари:

1. Икки ўзгарувчили функция таърифи, аниқланиш соҳаси, қийматлар(ўзгариш) соҳаси, лимити, узлуксизлиги ва узилиши тушунчаларини билиш;
2. Хусусий ҳосилаларни ва тўлиқ дифференциалларни топиш;
3. Икки ўзгарувчили функция экстремумга эга бўлишининг зарурий ва етарли шартлари;
4. Икки ўзгарувчили функциянинг ёпиқ соҳадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топиш.

1. ***Кўп ўзгарувчили функциялар*** **ҳақида асосий тушунчалар.**

1) Табиат ва жамиятда жуда кўп масалалар борки ўзгарувчи миқдорлар боғланишларида биттасининг сонли қиймати бошқа бир нечасининг қиймати билан аниқланади. Масалан, томонларининг узунликлари x va y дан иборат бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзи, унинг томонларининг узунликлари ўзгариши билан ўзгариб боради; параллелепипеднинг ҳажми унинг учала ўлчовининг ўзгариши билан ўзгаради; бирор ер майдонидан олинаётган ҳосилдорлик ернинг тузилишига, унга ўғит беришга, суғоришга, деҳқоннинг малакасига ва бошқа жуда кўп факторларга; сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори, сигир зотига, унинг

қандай ем-хашак билан боқилишига ва ҳакозоларга боғлиқ. Бундай мисолларни исталганча келтириш мумкин.

Бундай боғланишларни текшириш учун *кўп ўзгарувчили (аргументли) функциялар* тушунчасини киритамиз ва уларни текшириш амалларини ўрганамиз.

2).Икки ва кўп ўзгарувчили функциялар таърифлари. 1-таъриф. R^2 фазода бирор D тўпламнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган x va y ўзгарувчилари ҳар бир $f(x,y)$ ҳақиқий сонлари жуфтлигига бирор қоида ёки қонунгага кўра E тўпламдаги битта z ҳақиқий сон мос қўйилган бўлса, D тўпламда *икки* x va y *ўзгарувчиларнинг функцияси* z *аниқланган* дейилади. Икки ўзгарувчининг функцияси символик тарзда қуйидагича ифодаланади: $z = f(x,y)$, $z = F(x,y)$ (функция U yoki y билан ўзгарувчилар мос равишда x,t yoki x_1, x_2 лар билан белгиланган бўлса $U = f(x,t)$ yoki $y = f(x_1, x_2)$ тарзда ифодаланиши ҳам мумкин ва ҳ.к.). Бунда x, y ўзгарувчиларга эркли ўзгарувчилар ёки аргументлар, z га эрксиз ўзгарувчи ёки функция деб аталади.

D тўпламга *функциянинг аниқланиш* соҳаси, E тўпламга ўзгариш ёки қийматлар соҳаси дейилади. Ҳар бир жуфт ҳақиқий сонга бирор тайин координат системасида битта M нуқта ва битта нуқтага бир жуфт ҳақиқий сон мос келганлиги учун икки аргументли функцияни M нуқтанинг функцияси ҳам деб қаралади, ҳамда $y = f(x_1, x_2)$ ўрнига $y = f(M)$ ҳам деб ёзиш мумкин.

Икки ўзгарувчили функция берилиш усуллари ҳам, бир ўзгарувчили функцияга ўхшаш ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпроқ функциянинг *аналитик усулда* берилишини қараймиз. Масалан. 1) $y = x_1^2 + x_2^2$ бу функция OX_1X_2 текисликнинг ҳамма нуқталари учун аниқланган бўлиб ўзгариш соҳаси $[0, +\infty)$ дан иборат бўлади. 2) $z = \sqrt{4 - x^2 - y^2}$ функция аниқланган бўлиши учун $4 - x^2 - y^2 \geq 0$ yoki $x^2 + y^2 \leq 4$ бўлиши керак, бундай нуқталар тўплами маркази координатлар бошида радиуси 2 га тенг бўлган доирадан иборат.

Қийматлар тўплами $[0,2)$ бўлади. 3) $u = 1/\sqrt{x^2 + y^2 - 9}$ функция $x^2 + y^2 - 9 > 0$, яъни маркази координатлар бошида радиуси 3 га тенг бўлган доирадан ташқарида аниқланган. Қийматлар тўплами $(0,+\infty)$.

Икки аргументли функциянинг геометрик тасвири фазода тенгламаси $z = f(x,y)$ бўлган сиртни ифодалайди. Масалан: 1) $z = 2x + 3y - 12$ икки аргументли функция фазода $2x + 3y - z - 12 = 0$ текисликни тасвирлайди. 2) $x^2 + y^2 + z^2 = R^2$ сфера тенгламаси бўлиб, $z = \pm\sqrt{R^2 - x^2 - y^2}$ икки аргументли функциялар графиклари сферани ифодалайди.

2-таъриф . D тўпламнинг ҳар бир (x_1, x_2, x_3) ҳақиқий сонлар учлигига бирор қоида ёки қонун бўйича E тўпламдаги битта y ҳақиқий сон мос қўйилган бўлса, D тўпламда уч ўзгарувчининг функцияси аниқланган дейилади.

Бунда x_1, x_2, x_3 эркли ўзгарувчилар ёки аргументлар, y эса эрксиз ўзгарувчи ёки функция деб аталади. Уч ўзгарувчининг функцияси $y = f(x_1, x_2, x_3)$, $u = f(x,y,z)$, $u = A(x,y,z)$ ва ҳ.к. белгиланади.

Геометрик нуқтаи назардан тўғри бурчакли координатлар системасида ҳақиқий сонларнинг ҳар бир (x,y,z) учлигига фазонинг ягона $P(x,y,z)$ нуқтаси мос келади ва аксинча. Шунинг учун уч ўзгарувчининг фукциясини $P(x,y,z)$ нуқтанинг функцияси сифатида қараш мумкин. Шундай қилиб, $u = f(x,y,z)$ ўрнига, $u = f(P)$ деб ёзиш ҳам мумкин. Уч ўзгарувчили функция аниқланиш соҳаси R^3 фазонинг бирор нуқталар тўплами ёки бутун фазо бўлиши мумкин. Масалан: $z = \sqrt{25 - x^2 - y^2 - z^2}$ функция аниқланиш соҳаси: $25 - x^2 - y^2 - z^2 \geq 0$ ёки $x^2 + y^2 + z^2 \leq 25$ шартда аниқланганлиги учун $x^2 + y^2 + z^2 = 25$ сфера ва унинг ичида аниқланган.

Тўрт ўзгарувчили ва умуман n ўзгарувчили функцияга ҳам юқоридагидек таъриф бериш мумкин. Бундай функциялар мос равишда $y = f(x_1, x_2, x_3, x_4)$ *yoki* $u = f(x,y,z,t)$, $y = f(x_1, x_2, ..., x_n)$ деб белгиланади.

Тўрт ва ундан ортиқ ўзгарувчига боғлиқ функцияларнинг аниқланиш соҳасини чизмаларда кўргазмали намойиш этиш мумкин эмас. Аммо, уни

тасвирлаш мумкин бўлмаса y йўқ дейиш мумкин эмас. Масалан, тўртинчи ўзгарувчи фазодаги температура, бешинчиси зичлик ва ҳ.к бўлиши мумкин. Лекин, геометрик атамаларни давом эттириб n ўзгарувчининг функциясини бирор n ўлчовли фазо $P(x_1, x_2, ..., x_n)$ нуқтасининг функцияси сифатида қараш мумкин.

3) ***Икки ўзгарувчили функция лимити***. y X $f(x)$ функция учун нуқтанинг атрофи шу нуқтани ўз ичига олган оралиқ бўлар эди. Икки аргументли z X $f(x,y)$ функция қаралганда *нуқтанинг ¢ атрофи* дейилганда маркази $P_0(x_0, y_0)$ нуқтада ¢ радиусли доиранинг ичида ётувчи барча Pfx, yA нуқталар тушунилади.

3 ўлчовли фазодаги нуқтанинг ¢ атрофи ҳам шунга ўхшаш аниқланиб маркази $P_0(x_0, y_0, z_0)$ нуқтада радиуси ¢ бўлган шарнинг ички нуқталари бўлади.

n ўлчовли $(n \Psi 3)$ фазода $P_0(x_1, x_2, ..., x_n)$ нуқтанинг ¢ атрофи шунга ўхшаш аниқланади.

1-таъриф. Икки ўзгарувчили z X $f(x,y)$ X $f(P)$ функция P_0 нуқтанинг бирор атрофида аниқланган бўлса (P_0 нуқтада аниқланмаган бўлиши мумкин) ва ихтиёрий £ Ψ0 учун шундай ¢ Ψ0 топилсаки $\rho(P, P_0)$ X $\sqrt{(x \text{ Z } x_0)^2 \text{ Г } (y \text{ Z } y_0)^2}$ Φ¢ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча Pfx, yA нуқталар учун

$$|f(x,y) \text{ Z } A| \Phi £ \quad yoki \quad |f(P) \text{ Z } A \Phi £|$$

тенгсизлик бажарилса, A ***ўзгармас сон*** z X $f(x,y)$ ***функциянинг*** $P|\ P_0$ даги лимити дейилади, ва

$$\lim_{P|\ P_0} f(P) \text{ X } A \ yoki \lim_{\substack{x|\ x_0 \\ y|\ y_0}} f(x,y) \text{ X } A$$

билан белгиланади.

Лимитнинг таърифидан келиб чиқадики, A сон z X $f(x,y)$ функциянинг лимити бўлса, $|f(x,y) \text{ Z } A|$ айирма $x|\ x_0$, $y|\ y_0$ да чексиз кичик миқдор

бўлади. Уч ва ундан ортиқ ўзгарувчи функциясининг лимити ҳам юқоридагига ўхшаш аниқланади.

Бир неча ўзгарувчили функциянинг лимити 0 га тенг бўлса, бундай функцияга чексиз кичик функция ёки чексиз кичик миқдор дейилади.

$y = f(x)$ функция учун лимитлар ҳақидаги барча асосий теоремалар бир неча ўзгарувчининг функцияси учун ҳам ўринли эканлигини таъкидлаб ўтамиз.

1-мисол. $\lim\limits_{\substack{x\to 2\\ y\to 0}} \dfrac{\sin xy}{y}$ лимитни ҳисобланг.

Ечиш. $P_0(2;0)$ нуқтада берилган функция аниқланмаган. $x \neq 0$ бўлгани учун

$$\frac{\sin xy}{y} = x\frac{\sin xy}{xy} = x\frac{\sin xy}{xy}$$

бўлиб,охирги тенгликда лимитга ўтсак,

$$\lim_{\substack{x\to 2\\ y\to 0}} \frac{\sin xy}{y} = \lim_{\substack{x\to 2\\ y\to 0}} x\frac{\sin xy}{xy} = \lim_{\substack{x\to 2\\ y\to 0}} x \lim_{\substack{x\to 2\\ y\to 0}} \frac{\sin xy}{xy} = 2 \cdot 1 = 2$$

бўлади, чунки, $\lim\limits_{\alpha\to 0} \dfrac{\sin\alpha}{\alpha} = 1$.

4) ***<u>Икки ўзгарувчили функциянинг узлуксизлиги ва узилиши.</u>*** 1-таъриф. $z = f(x,y) = f(P)$ функция $P_0(x_0,y_0)$ нуқтада ҳамда унинг бирор атрофида аниқланган ва

$$\lim_{P\to P_0} f(P) = f(P_0) \quad yoki \quad \lim_{\substack{x\to x_0\\ y\to y_0}} f(x,y) = f(x_0,y_0)$$

бўлса, яъни функциянинг $P_0(x_0,y_0)$ нуқтадаги лимити функциянинг шу нуқтадаги қийматига тенг бўлса, *<u>функция $P_0(x_0,y_0)$ нуқтада узлуксиз</u>* дейилади. Бу таърифга тенг кучли 2-тарифни ҳам келтирамиз.

$$\Delta z = f(x_0 + \Delta x, y_0 + \Delta y) - f(x_0, y_0)$$

функциянинг $P_0(x_0,y_0)$ нуқтадаги тўлиқ орттирмаси бўлсин.

2-таъриф. $z = f(x,y) = f(P)$ функция $P_0(x_0,y_0)$ нуқтада ва унинг атрофида аниқланган бўлса, аргументларнинг Δx *va* Δy чексиз кичик орттирмаларига функциянинг ҳам Δz чексиз кичик орттирмаси мос келса, яъни

$$\lim_{\substack{\zeta x\to 0\\ \zeta y\to 0}} \zeta z = 0$$

бўлса, *функция $P_0(x_0,y_0)$ нуқтада узлуксиз* дейилади.

3-таъриф. Узлуксизлик шартлари бажарилмаган нуқталар узилиш нуқталари дейилади. Икки ўзгарувчили функция узилиш нуқталари бутун чизиқни ҳосил қилиши мумкин.

2-мисол $z = x^2 - y^2$ функциянинг $P_0(2;3)$ нуқтада узлуксизлигини кўрсатинг.

Ечиш: Бу нуқтада функциянинг тўлиқ орттирмасини топамиз:

$$\zeta z = (2+\zeta x)^2 - (3+\zeta y)^2 - (2^2 - 3^2) = 2^2 + 2\zeta x + \zeta x^2 - 3^2 - 6\zeta y - \zeta y^2 + 2^2 - 3^2 = 2\zeta x + \zeta x^2 - 6\zeta y - \zeta y^2$$

2-таърифга асосан $\lim\limits_{\substack{\zeta x\to 0\\ \zeta y\to 0}} \zeta z = \lim\limits_{\substack{\zeta x\to 0\\ \zeta y\to 0}} (2\zeta x + (\zeta x)^2 - 6\zeta y - \zeta y') = 2\cdot 0 - 0 - 6\cdot 0 = 0$.. Шундай қилиб, $\zeta x \to 0,\ \zeta y \to 0$ *da* $\zeta z \to 0$. Демак, $P_0(2;3)$ нуқтада берилган функция узлуксиздир. Бу ҳолатни исталган $P_0(x_0;y_0)$ учун кўрсатиш мумкин. (Бу ўқувчига ҳавола этилади). $z = f(x,y)$ функция бирор тўпламнинг ҳар бир нуқтасида узлуксиз бўлса, унга бу тўпламда узлуксиз дейилади.

3-мисол. $z = \dfrac{1}{(x^2 - y^2)}$ функциянинг узилиш нуқталарини топинг.

Ечиш. Функция координаталари $x^2 - y^2 = 0$ тенгламани қаноатлантирувчи нуқталарда узилишга эга. Бу $y = x$ ва $y = -x$ тўғри чизиқлар бўлиб, бу тўғри чизиқларга тегишли ҳар бир нуқтада функция узилишга эга бўлади.

Икки ўзгарувчининг узлуксиз функцияси ҳам бир ўзгарувчининг узлуксиз функцияси эга бўлган асосий хоссаларга эга бўлади. (Бу хоссаларни такрорлаш ўқувчига тавсия этилади).

2. Хусусий хосилалар ва тўлиқ дифференциаллар. 1). Хусусий ҳосилалар. 1-таъриф. $z = f(x,y)$ функцияда x ўзгарувчига бирор ζx орттирма бериб, y ни ўзгаришсиз қолдирсак, функция $\zeta_x z$ орттирма олиб, бу орттирмага z функциянинг *x ўзгарувчи бўйича хусусий орттирмаси* дейилади ва қуйидагича ёзилади:

$$\zeta_x z = f(x + \zeta x, y) - f(x, y)$$

Худди шундай, y ўзгарувчига ζy орттирма бериб x ўзгаришсиз қолса, унга z функциянинг y *ўзгарувчи бўйича хусусий орттирмаси* дейилади ва қуйидагича ёзилади

$$\zeta_y z = f(x, y + \zeta y) - f(x, y).$$

2-таъриф. *a*) $\lim\limits_{\zeta x \to 0} \dfrac{\zeta_x z}{\zeta x}$ чекли лимит мавжуд бўлса, унга $z = f(x, y)$ функциянинг x *ўзгарувчиси бўйича хусусий ҳосиласи* дейилади ва $\dfrac{\partial z}{\partial y}$ ёки $z'_x = f'_x(x, y)$ билан белгиланади.

3-таъриф. *b*) $\lim\limits_{\zeta y \to 0} \dfrac{\zeta_y z}{\zeta y}$ чекли лимит мавжуд бўлса, унга $z = f(x, y)$ функциянинг y ўзгарувчи бўйича хусусий ҳосиласи дейилади ва $\dfrac{\partial z}{\partial y}$ ёки $z'_y = f'_y(x, y)$ билан белгиланади.

Хусусий ҳосилалар таърифларидан кўринадики бир аргументли функцияни дифференциаллашнинг ҳамма қоида ва формулалари ўз кучида қолади.

Исталган чекли сондаги ўзгарувчилар функциясининг хусусий ҳосилалари ҳам юқоридагидек аниқланади.

4-мисол. $z = x^2 + 2xy + 3y^2$ хусусий ҳосилаларни топинг.

Ечиш: Олдин y ни ўзгармас деб z'_x ни топамиз:

$$z'_x = (x^2 + 2xy + 3y^2)'_x = (x^2)'_x + (2xy)'_x + (3y^2)'_x = 2x + 2y,$$

энди x ни ўзгармас деб $\dfrac{\partial z}{\partial y}$ ни топамиз:

$$z'_y = (x^2 + 2xy + 3y^2)'_y = (x^2)'_y + (2xy)'_y + (3y^2)'_y = 2x + 6y.$$

5-мисол. $u = \dfrac{x}{x^2 + y^2 + z^2}$ функциянинг хусусий ҳосилаларини топинг.

Ечиш: Ҳосила олиш қоидалари ва формулаларидан фойдаланиб қуйидагиларни топамиз:

$u'_x = \frac{x}{x^2+y^2+z^2}$ $u'_x = \frac{x'_x(x^2+y^2+z^2) - x(x^2+y^2+z^2)'_x}{(x^2+y^2+z^2)^2} = \frac{x^2+y^2+z^2-2x^2}{(x^2+y^2+z^2)^2} = \frac{-x^2+y^2+z^2}{(x^2+y^2+z^2)^2}$

u'_y, u'_z ларни мустақил топинг.

2). ***<u>Тўлиқ дифференциал</u>***. Таъриф. x *va* y ўзгарувчилар мос равишда Δx *va* Δy орттирмалар олса, $z = f(x,y)$ функция $\Delta z = f(x+\Delta x, y+\Delta y) - f(x,y)$ тўлиқ орттирма олади. Бу тўлиқ орттирманинг Δx *va* Δy ларга нисбатан чизиқли бўлган бош қисми функциянинг *<u>тўлиқ дифференциали</u>* дейилади ва dz билан белгиланади. $z = f(x,y)$ функциянинг тўлиқ дифференциали

$$dz = \frac{\partial z}{\partial x}dx + \frac{\partial z}{\partial y}dy \qquad (1)$$

формула билан ҳисобланади, бу ерда $dx = \Delta x,\ dy = \Delta y.$ Тўлиқ дифференциалдан функциянинг тақрибий қийматларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин, яъни $\Delta z \approx dz$ ёки $f(x_0+\Delta x, y_0+\Delta y) - f(x_0,y_0) \approx dz,$ бундан

$$f(x_0+\Delta x, y_0+\Delta y) \approx f(x_0,y_0) + z'_x dx + z'_y dy. \qquad (2)$$

Уч аргументли $u = F(x,y,z)$ функциянинг тўлиқ дифференциали

$$du = \frac{\partial F}{\partial x}dx + \frac{\partial F}{\partial y}dy + \frac{\partial F}{\partial z}dz \qquad (3)$$

формула билан ҳисобланади.

6-мисол. $z = \ln(x^2+y^2)$ функциянинг тўлиқ дифференциалини топинг.

Ечиш: Хусусий ҳосилаларни топамиз;

$$z'_x = \frac{(x^2+y^2)'_x}{x^2+y^2} = \frac{2x}{x^2+y^2}, \qquad z'_y = \frac{(x^2+y^2)'_y}{x^2+y^2} = \frac{2y}{x^2+y^2},$$

(1) формулага асосан $dz = \frac{2x}{x^2+y^2}dx + \frac{2y}{x^2+y^2}dy$ бўлади.

7-мисол. $u = x^2yz^2$ функциянинг тўлиқ дифференциалини топинг.

Ечиш: Хусусий ҳосилаларни топамиз;

$\frac{\partial u}{\partial x} = \left(x^2yz^2\right)'_x = yz^2(x^2)'_x = 2xyz^2, \quad \frac{\partial u}{\partial y} = \left(x^2yz^2\right)'_y = x^2z^2(y)'_y = x^2z^2,$

$\frac{\partial u}{\partial z} = \left(x^2yz^2\right)'_z = yx^2(z^2)'_z = 2x^2yz.$

(3) формулага асосан $du = 2xyz^2dx + x^2z^2dy + 2x^2yzdz$ бўлади.

8-мисол. Ўлчовлари $a = 8m,\ b = 6m,\ c = 3m$ бўлган параллелепипеднинг узунлиги ва эни мос равишда 10 см ва 5 см га кўпайтирилса, баландлиги эса 15 см камайса унинг ҳажми қандай ўзгаради.

Ечиш. Параллелепипеднинг ҳажми $v = xyz;\ \ x, y, z$ унинг ўлчамлари. Ҳажм орттирмасини тақрибан $\zeta V \approx dV$ формуладан ҳисоблаш мумкин.

$$dV = yxdx + xzdy + xydz$$

бўлиб, шартга кўра $x = 8,\ \ y = 6,\ \ z = 3,\ \ dx = 0.1,\ \ dy = 0.05,\ \ dz = -0.15$ бўлганлиги учун

$$\zeta V \approx dV = 6 \cdot 3 \cdot 0.1 + 8 \cdot 3 \cdot 0.05 + 8 \cdot 6 \cdot (-0.15) = -4,2.$$

Шундай қилиб, ҳажм тахминан $4.2m^3$ га камаяди.

9-мисол. Тўлиқ дифференциал формуласидан фойдаланиб:

1) $arcctg\ \frac{1,97}{1,02} - 1$, 2) $\sqrt{1,04^{1,99} + \ln 1,02}$

ларни тақрибий ҳисобланг.

Ечиш: Тўлиқ дифференциал формуласидан тақрибий ҳисоблашда фойдаланиш учун, олдин қиймати тақрибий ҳисобланадиган функциянинг аналитик ифодасини танлаш зарур, кейин бошланғич нуқтани шундай танлаш керакки функциянинг ва хусусий ҳосилаларнинг бу нуқтадаги қийматларини жадвалсиз ҳисоблаш мумкин бўлсин. Шундан кейин (2) формуладан фойдаланиш керак.

1) $arcctg\ \frac{1.97}{1.02} - 1$ ифода $f(x, y) = arcctg(\frac{x}{y} - 1)$ функциянинг $P_1(1.97;1.02)$ нуктадаги киймати дейиш мумкин. Бошланғич нуқта учун $P_0 = (2;1)$ ни олсак, $\zeta x = 1.97 - 2 = -0.03,\ \ \zeta y = 1.02 - 1 = 0.02$ бўлади. Энди хусусий ҳосилаларни топиб, уларнинг P_0 нуқтадаги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$f_x'(x,y) = arcctg\frac{x}{y} \cdot \left(\frac{x}{y}\right)'_x \cdot \frac{1}{1+\left(\frac{x}{y}\right)^2} \cdot \frac{1}{y} \cdot \frac{y}{y^2+(x+y)^2};$$

$$f_y'(x,y) = arcctg\frac{x}{y} \cdot \left(\frac{x}{y}\right)'_y \cdot \frac{1}{1+\left(\frac{x}{y}\right)^2} \cdot \left(-\frac{x}{y^2}\right) \cdot \frac{x}{y^2+(x+y)^2};$$

$$f_x'(2;1) = \frac{1}{1+(2+1)^2} = 0.5; \qquad f_y'(2;1) = \frac{2}{1+(2+1)^2} = 1.$$

(2) дан фойдаланиб

$$arcctg\frac{1.97}{1.02} \approx arcctg\frac{2}{1} + (0.5+0.03) + 1 \cdot 0.02 = \frac{\pi}{4} + 0.015 + 0.02 = 0.82.$$

2) $\sqrt{1{,}04^{1{,}99} + \ln 1{,}02}$ ни $f(x,y,z) = \sqrt{x^y + \ln z}$ функциянинг $P_1(1.04;\ 1.99;\ 1.02)$ нуктадаги қиймати деб қараймиз: бошланғич нукта учун $P_0(1;\ 2;\ 1)$ ни танлаймиз. Бу ҳолда $\zeta_x = 1.04 - 1 = 0.04,\ \zeta_y = 1.99 - 2 = -0.01,\ \zeta_z = 1.02 - 1 = 0.02.$ Хусусий ҳосилаларни топамиз ва уларнинг $P_0(1;\ 2;\ 1)$ нуқтадаги қийматини ҳисоблаймиз:

$$f_x'(x,y,z) = \frac{(x^y + \ln z)'_x}{2\sqrt{x^y + \ln z}} = \frac{yx^{y-1}}{2\sqrt{x^y + \ln z}}, \qquad f_x'(1;2;1) = \frac{2 \cdot 1^{2-1}}{2\sqrt{1^2 + \ln 1}} = 1;$$

$$f_y'(x,y,z) = \frac{(x^y + \ln z)'_y}{2\sqrt{x^y + \ln z}} = \frac{x^y \cdot \ln x}{2\sqrt{x^y + \ln z}}, \qquad f_y'(1;2;1) = \frac{1^2 \cdot 0}{2\sqrt{1^2 + \ln 1}} = 0;$$

$$f_z'(x,y,z) = \frac{(x^y + \ln z)'_z}{2\sqrt{x^y + \ln z}} = \frac{\frac{1}{z}}{2\sqrt{x^y + \ln z}}, \qquad f_z'(1;2;1) = \frac{1}{2}.$$

(2) формуланинг уч аргументли функция учун умумлашганидан фойдаланамиз:

$$\sqrt{1{,}04^{1{,}99} + \ln 1{,}02} \approx \sqrt{1^2 + \ln 1} + 1 \cdot 0{,}04 + 0 \cdot (-0{,}01) + \frac{1}{2} \cdot 0{,}02 = 1{,}05.$$

3). ***<u>Юқори тартибли хусусий ҳосилалар ва дифференциаллар</u>***. $z = f(x,y)$ функциянинг *<u>иккинчи тартибли хусусий ҳосилалари</u>* деб биринчи

тартибли хусусий ҳосилалардан олинган хусусий ҳосилаларга айтилади. Иккинчи тартибли хусусий ҳосилалар қўйидагича белгиланади:

$$\frac{\partial}{\partial x}\left(\frac{\partial z}{\partial x}\right)=\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}=z_{xx}=f_{xx}(x,y),\quad \frac{\partial}{\partial y}\left(\frac{\partial z}{\partial x}\right)=\frac{\partial^2 z}{\partial x\partial y}=z_{xy}=f_{xy}(x,y)$$

$$\frac{\partial}{\partial x}\left(\frac{\partial z}{\partial y}\right)=\frac{\partial^2 z}{\partial y\partial x}=z_{yx}=f_{yx}(x,y),\quad \frac{\partial}{\partial y}\left(\frac{\partial z}{\partial y}\right)=\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}=z_{yy}=f_{yy}(x,y)$$

$f_{xy}(x,y)$ ва $f_{yx}(x,y)$ хусусий ҳосилалар аралаш хусусий хосилалар дейилади. Аралаш хусусий ҳосилалар узлуксиз бўлган нуқталарда улар ўзаро тенг бўлади.

Учинчи ва ундан юқори тартибли хусусий ҳосилалар ҳам юқоридагидек аниқланади.

Ушбу $\frac{\partial^{n+m} z}{\partial x^m \partial y^n}$ ёзув z функцияни m марта x ўзгарувчи бўйича ва $(n+m)$ марта y ўзгарувчи бўйича дифференциаллашни билдиради.

10-мисол. $z=x^4+4x^2y^3+7xy+1$ иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларни топинг.

Ечиш. Биринчи тартибли хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$\frac{\partial z}{\partial x}=(x^4+4x^2y^3+7xy+1)'_x=4x^3+8xy^3+7y,$$

$$\frac{\partial z}{\partial y}=(x^4+4x^2y^3+7xy+1)'_y=4x^2\cdot 3y^2+7x=12x^2y^2+7x.$$

Топилган ҳосилалардан яна хусусий ҳосилалар оламиз:

$$\frac{\partial}{\partial x}\left(\frac{\partial z}{\partial x}\right)=\frac{\partial^2 z}{dx^2}=(4x^3+8xy^3+7y)'_x=12x^2+8y^3,$$

$$\frac{\partial}{\partial y}\left(\frac{\partial z}{\partial x}\right)=\frac{\partial^2 z}{dx\partial y}=(4x^3+8xy^3+7y)'_y=24xy^2+7,$$

$$\frac{\partial}{\partial x}\left(\frac{\partial z}{\partial y}\right)=\frac{\partial^2 z}{dy\partial x}=(12x^2y^2+7x)'_x=24xy^2+7,\quad \frac{\partial}{\partial y}\left(\frac{\partial z}{\partial y}\right)=\frac{\partial^2 z}{dy^2}=(12x^2y^2+7x)'_y=24x^2y.$$

Иккинчи тартибли тўлиқ дифференциал $d(dz)=d^2z$ каби аниқланиб, хусусий ҳосилалар орқали қуйидагича топилади:

$$d^2z = \frac{\partial^2 z}{\partial x^2}dx^2 + 2\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y}dxdy + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2}dy^2. \qquad (4)$$

11-мисол. $z = x^2y^3$ функциянинг иккинчи тартибли тўлиқ дифференциалини топинг.

Ечиш. Хусусий ҳосилаларни топамиз:

$z_x' = \left(x^2y^3\right)_x' = 2xy^3$; $z_y' = 3x^2y^2$; $z_{xx}'' = 2y^3$, $z_{xy}'' = 6xy^2$, $z_{yx}'' = 6xy^2$, $z_{yy}'' = 6xy^2$,

(4) формулага асосан иккинчи тартибли тўлиқ дифференциал

$$d^2z = 2y^3dx^2 + 12xy^2dxdy + 6x^2ydy^2.$$

3. ***<u>Икки аргументли функция экстремуми</u>***. 1-таъриф. $z = f(x,y)$ функциянинг $P_0(x_0;y_0)$ нуқтадаги қиймати унинг бу нуқтанинг бирор атрофи исталган $P(x,y)$ нуқтасидаги қийматларидан катта, яъни $f(x_0;y_0) > f(x,y)$ бўлса, $z = f(x,y)$ функция $P_0(x_0;y_0)$ нуқтада максимумга эга дейилади.

2-таъриф. $z = f(x,y)$ функциянинг $P_1(x_1;y_1)$ нуқтадаги қиймати унинг бу нуқтанинг бирор атрофи исталган $P(x,y)$ нуқтасидаги қийматларидан кичик бўлса, яъни $f(x_1;y_1) < f(x,y)$ бўлса, $z = f(x,y)$ функция $P_1(x_1;y_1)$ нуқтада минимумга эга дейилади.

Функциянинг максимум ёки минимуми унинг экстремуми дейилади. Функция экстремумга эга бўлган нуқта унинг экстремум нуқтаси дейилади. Функция экстремумини хусусий ҳосилалар ёрдамида текширилади.

<u>Экстремумнинг зарурий шартлари</u>: $P_0(x_0;y_0)$ нуқтада узлуксиз $z = f(x,y)$ функциянинг экстремум нуқтаси бўлса,

$$f_x'(x_0,y_0) = 0$$
$$f_y'(x_0,y_0) = 0$$

бўлади, ёки бу нуқтада ҳосилаларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлмайди.

Бундай нуқталарга экстремум учун критик (стационар) нуқталар дейилади. Шуни такидлаймизки ҳамма критик нуқталар ҳам экстремум нуқталар бўлавермайди. Критик нуқтада экстремум бўлмаслиги ҳам мумкин.

<u>Экстремумнинг етарли шартлари</u>:

Иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларнинг критик нуқтадаги қийматларини

$$A = f''_{xx}(x_0, y_0),\quad B = f''_{xy}(x_0, y_0),\quad C = f''_{yy}(x_0, y_0)$$

билан белгилаймиз ва $\zeta = \begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix} = AC - B^2$ тузамиз.

1) $\zeta = AC - B^2 > 0$ бўлса $z = f(x, y)$ функция $P_0(x_0, y_0)$ нуқтада экстремумга эга бўлиб: *а*) $A < 0$ бўлганда $P_0(x_0, y_0)$ нуқтада максимумга, *в*) $A > 0$ бўлганда минимумга эга бўлади;

2) $\zeta = AC - B^2 < 0$ бўлса, P_0 нуқтада экстремум йўқ:

3) $\zeta = AC - B^2 = 0$ бўлса, экстремум бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

12-мисол. $z = f(x, y) = x^4 + y^4 - 2x^2 + 4xy - 2y^2$ функция экстремумини текширинг.

Ечиш. Бу функция бутун *ХОУ* текисликда аниқлаган. Биринчи тартибли хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$f'_x(x) = 4x^3 - 4x + 4y;\quad f'_y(x) = 4y^3 + 4x - 4y$$

экстремумга эга бўлишнинг зарурий шартидан:

$$\begin{cases} 4x^3 - 4x + 4y = 0 \\ 4y^3 + 4x - 4y = 0 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x^3 - x + y = 0 \\ y^3 + x - y = 0 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} y = x - x^3 = x(1 - x^2) \\ y^3 + x - y = 0 \end{cases}$$

$$\Rightarrow x(1 - x^2)^3 + x - x^3 = 0,\qquad \begin{matrix} x_1 = 0; x_2 = -\sqrt{2}, x_3 = \sqrt{2} \\ y_1 = 0; y_2 = \sqrt{2}, y_3 = -\sqrt{2} \end{matrix}.$$

$$(1 - x^2)^3 = -1, 1 - x^2 = -1, x^2 = 2$$

Демак, учта O(0,0), $P_1(-\sqrt{2}; \sqrt{2})$ ва $P_2(\sqrt{2}; -\sqrt{2})$ критик нуқталарга эга бўламиз, бошқа критик нуқталар йўқ, чунки $f'_x(x, y), f'_y(x, y)$ хусусий ҳосилалар *ХОУ* текисликнинг ҳамма нуқталарида мавжуд. Иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларни топамиз:

$$f''_{xx}(x, y) = 12x^2 - 4;\quad f''_{xy}(x, y) = 4;\quad f''_{yy}(x, y) = 12y^2 - 4;$$

O(0,0) нуқтада экстремумнинг етарли шартини текширамиз: $A = -4,\quad B = 4,\quad C = -4$; $\zeta = AC - B^2 = -4\ (-4) - 4^2 = 0$ бўлиб юқоридаги етарли шарт

жавоб бермайди. Бу нуқта атрофида берилган функция мусбат ҳам, манфий ҳам бўлишини кўрамиз, масалан OX ўқи бўйича ($y = 0$)

$$f(x, y)_{y=0} = f(x,0) = x^4 - 2x^2 = x^2(x^2 - 2) < 0.$$

$y = x$, биссектриса бўйича

$$f(x, y)_{y=x} = f(x, x) = 2x^4 > 0$$

бўлади. Шундай қилиб, O(0,0) бирор атрофида $\Delta f(x, y)$ орттирма ишорасини бир хил сақламайди, демак экстремум йўқ.

$P_1(-\sqrt{2}; \sqrt{2})$ нуқтада етарли шартни текширамиз:

$AC - B^2 = 400-16>0$ ва $A=20>0$ демак, $P_1(-\sqrt{2}; \sqrt{2})$ нуқтада функция минимумга эга. $f_{min} = -8$;

$P_2(\sqrt{2}; -\sqrt{2})$ нуктада етарли шартни текширамиз:

Бу нуқта учун $A=20$, $B=4, C=20$ бўлиб $\Delta = AC - B^2 = 400-16>0$ ва $A=20>0$ бўлганлиги учун $P_2(\sqrt{2}, -\sqrt{2})$ нуқтада ҳам берилган функция минимумга эга бўлади, $f_{min} = -8$.

13-мисол. $z = \sqrt{(x-1)^2 + (y-1)^2}$ функциянинг экстремумини текширинг.

Ечиш.

$$\frac{\partial z}{\partial x} = \frac{x-1}{\sqrt{(x-1)^2 + (y-1)^2}}, \qquad \frac{\partial z}{\partial y} = \frac{y-1}{\sqrt{(x-1)^2 + (y-1)^2}}$$

$P_0(1;1)$ нуқтада хусусий ҳосилалар мавжуд эмас. Демак, $P_0(1;1)$ нуқта критик нуқта бўлади. Бу нуқтада экстремумни текшириш учун Δz орттирманинг P_0 нукта атрофида ишорасини текширамиз:

$$\Delta z = f(1+\Delta x, 1+\Delta y) = \sqrt{(1+\Delta x - 1)^2 + (1+\Delta y - 1)^2} = \sqrt{\Delta x^2 + \Delta y^2} > 0,$$

